

« О з о д л и к » радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонлик икки меҳнат муҳожирлари Подмосковьедан суд қарорисиз бадарға қилинган. Депорт қилинган ўзбекларнинг ҳимоячиси Россия миграция, полиция ва суд идоралари биргалашиб мамлакатда қонуний яшаётган ва меҳнат қилаётган муҳожирларни бадарға қилиш учун янги-янги усулларни кашф қилаётганини



ЎЗБЕК, УЙИНГГА ДАФ БЎЛ!

гапирмоқда. Шундай қилиб, Москва шаҳридаги рейдлар Москва вилоятига ҳам кўчгани маълум бўлди.

Исмани ошкор қилмасликни сўраган тингловчиларимиздан бири «Озодлик»ка ёзган хатида ҳамма зарурий ҳужжатлари жойида бўлганига қарамасдан жаримага тортилгани ва депортация қилингани тўғрисида ҳикоя қилди:

“Ассалому алайкум «Озодлик» радиоси. Мен ҳозир Россиядан, иш жойида эмас, квартирада ушлашди бизларни. Менда патент бор эди — ҳар ой патент тўлаб борардим. Шунга ишониб мен ҳам документларимни бердим полицияга. Улар текширди-да, менга айтишича, регистрация бўлмаган жойда яшаётган эканман. Мени депорт қилди ва яна 5 минг рубль штраф қилди”, деб ёзди нима қилишини билмай қолган муҳожир аёл. Бу хат ортидан «Озодлик» Москва вилоятининг Подолск шаҳрида икки нафар Ўзбекистон фуқароси – Тоғаев Фахриддин ва Норбоев Шералилар айна абловлар билан Россиядан депортация қилинганини аниқлади.

Ўзбек муҳожирларини ўз ҳимоясига олган москвалик адвокат Абусуфён Гайтаев бу иккалови суд қарори чиқмасдан ва барча Россия қонунларига зид равишда мамлакатдан жўнатиб юборилганини Озодликка гапириб берди.

- Мен Тоғаев ва Норбоев исми икки нафар ўзбек йигитнинг иши билан шуғулланаётган эдим: улар Подольск шаҳар суди томонидан жаримага тортилган ва депортация қилинган эди, дейди адвокат.

- Улар гўё қайдда турган жойида яшамагани учун айбланган. Улар бошқа жойда қайдда турган ва ҳозир чиққан қонунларга биноан айнан ўша жойда яшаши керак экан. Бу ахлоқона қонунларни қим қабул қилган билмадиму, унга кўра истаган хориж фуқаросини кўчада ушлаб “Сен қайд жойингда эмассан!”, деб қамаб қўйиш ёки депортация қилиш мумкин! Бу йигитларнинг ҳамма ҳужжатлари жойида, патент бўйича тўловлар амалга оширилган. Кеча Москва шаҳар судида бизнинг бу қарор устидан шикоятимиз кўриб чиқилиши керак эди, ammo номаълум сабабларга кўра, судга ўзбекистонликлар олиб келинмагани сабабли қолдирилди. Бугун кечаси Фахриддин Тоғаев ва Шерали Норбоев суд қарори чиқмасдан эрталабки 7 да Домодедово-Тошкент учоғида жўнатиб юборилибди, дейди адвокат Абусуфён Гайтаев.

Ҳимоячининг маълум қилишича, сирдарёлик 42 ёшли Фахриддин Тоғаев ва 32 ёшли самарқандлик Шерали Норбоев Россиянинг барча мавжуд қонунларига хилоф равишда депортация қилинган.

У ФМС, полиция ва бошқа идораларнинг хориж фуқароларига нисбатан бундай ўзбошимчалиги ва бедодлиги жазосиз қолишига ишонаётган мутасаддилар томонидан амалга оширилганига ишонаётганини билдирди.

- Бу қонун мутлақо демократияга зид. Хулоса шуки, у айнан мигрантларга қарши курашиш учун ишлаб чиқилган. Яъни, ҳар қандай муҳожирни бугунги кунда қонунбузар этиб кўрсатиш мумкин. Қизиғи, марказий минтақа саналган

Москва, Петербург ва Москва вилоятида бу қонунбузарлик учун фақат бир хилдаги жазо белгиланган: жаримага тортиб, бадарға қилиш, дейди ўз қузатувлари билан ўртоқлашган москвалик адвокат Абусуфён Гайтаев.

Айни пайтда, Москва полицияси, ФМСи ва ОМОН жангчилари 23 октябрдан 2 ноябрга қадар “Мигрант-2014” деб номланган тозалаш амалиётини ўтказмоқда.

Москва шаҳрида давом

этаётган “тозалаш” рейдлари давомида ўтган беш кунда 27 минг меҳнат муҳожирлари полиция бўлимларига олиб келиниб, шахсий маълумотлари ҳамда уларнинг Россияда бўлиши қонунийлигини текшириш учун сўроқ қилинган. Шулардан, 7 минг нафари маъмурий жавобгарликка тортилган.

Полиция бошқармасида Озодлик сўровига бир неча кун ичида ўтказилган 3400 оператив – қидирув амалиётлари давомида Москвада муҳожирлар тўпланиши мумкин бўлган жами 32 минг объект кўздан кечирилган. Озодликка келаётган маълумотлардан рейдлар нафақат Москва шаҳрининг ўзи, балки Подмосковьёга ҳам кўчгани маълум. Узини Камолжон, деб таништирган ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларидан бири Озодлик билан суҳбатда Москва вилоят полицияси очикчасига “қора”ларга шаҳар кўчаларида юриш тақиқлаётганини гапирди.

- Бир ҳамқишлоғимиз, Мустафақулов Учқун, кетишга билет олган эди. Балашихада ишлаётган эди. Патент, разрешениеси — ҳаммаси бор. Кўчага чиққан, совғасалом олган, шу пайт полиция ушлаган. Акаси айтиб қолди: душанба куни суд бўлди — 5 йилга депорт ва штраф 5 минг. Кетди. Сабаби — Балашихада юриш мумкин эмас экан “чёрныйларга”. Уша қўлга тушган боланинг ўзи айтиб беряптики, машинада йўл-йўлакай кетаётган ўзбекларни тўхтатибди. “Машинамиз бор, мағазинга кириб чиқяпмиз”, деса, “Йўқ, бу ерда юришларинг мумкин эмас”, деб пул олибди, дейди суҳбатдош.

Хабар бўлими

Ер юзида инсоният пайдо бўлганидан бери ўғрилиқ ва ўғрилар бор. Лекин ҳеч қайси замонда ва ҳеч қайси маконда, ҳозирги мустақил Ўзбекистонимизда бўлаётганидек, ўғрилиқ ва ўғрилар қонун устиворлигини таъминлашга масъуллар томонидан ҳимоя қилинмаган. Аксинча, улар халқ ғазабига учраб қаттиқ жазоланганлар, бир умир эсларидан чиқмаслиги учун, бошқа одамлар кўрганларида ўғри эканлигини дарров билишлари учун қўл ёки кулоқ-бурунлари кесилган даврлар ҳам бўлган. Биз ҳозирги кунда ҳам ўғрилар ҳудди ана шундай жазоланиши керак демоқчи эмасмиз. Лекин улар ўзларининг жиноий қилмишлари туфайли рағбат ва имтиёз эгалари бўлмасин. Ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар ўғриларни ҳимоя қилишса, ўз паноҳларига олиб, “йўқ бу одамлар ўғри эмаслар” деб уларнинг ҳимоялари учун қонунни ҳам ўғрилар фойдасига ўзгартириб қалқон қилишса, бундай жамият қандай аталади, бундай қонун ҳимоячиларини кимлар деб аташ мумкин?

А.Фаттахов таъсис қилган сохта “Акбар-Азизий” ва “Тошкент-12” корхоналарининг тўрт йил мобайнида воситачилик ниқоби остида “Ўзпахтасаноат”нинг пулларини талон-тарож қилиши ва бу ишга президент маслаҳатчиси бўлган Тохиржон Иминовнинг акаҳонлик қилишдай жиноий иши мисолида Ўзбекистон прокуратурасининг бу иш юзасидан билдирган фикрларига назар соламиз: Менинг бу иш юзасидан 2008 йилдан бери шахар ва Бош прокуратурага, ДСҚга қилган ёзма мурожаатларимни прокуратуранинг расмий жавоблари билан киёслаб бермоқчиман. “Акбар-Азизий” корхонаси 1996-йили А.Фаттахов тамонидан таъсис қилинган, лекин биринчи марта ДСҚ ходимлари тамонидан 2002-йили текширув ишлари олиб борилган ва текширув жараёнига 2002-2001-2000 йилларининг иш фаоляти олинган, 1997-98-99-йиллари эса ҳеч қачон кўрилмаган. Мен бу тўғрида ДСҚга маълумот берганман, улар текширув ишларини олиб бориш учун рўхсат сўраб Назорат қилувчи органлар фаолятини муофиқлаштирувчи Республика Кенгашига мурожаат қилишган, лекин текширувга рўхсат беришмаётганини ўз вақтида расман маълум қилишган. ДСҚнинг берган жавобларидан бирида шундай

этиборли жумлалар бор: “Шикоят аризада келтирилган масалалар ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар тамонидан кўзгатирилган жиноий иш доирасида кўриб чиқилиши мумкин.” дейилади. ДСҚнинг яна битта жавобида А.Фаттаховга тегишли бўлган ҳар иккала “Акбар-Азизий”да 2004-йили май ойида “Тошкент-12”да 2008-йили апрель ойида ДСҚ ва Чилонзор тумани прокуратураси тамонидан текширув ишлари олиб борилган ва ҳар

Ёлғон диктатураси «акаҳонлик» сиз яшай оладими?

иккала корхонасида ҳам ноқонуний ҳаракатлари аниқланиб Республика МЖТКсининг бир неча моддалари бўйича айибдор деб топилган.

Албатта яна акаҳони жонига оро кириб сувдан куриқ чиққан. Лекин прокуратура бу ҳақда лом-мим демайди, аксинча шу йилларни келтириб, текширув ўтказилганини маълум қилиб натижада ҳеч қандай ноқонуний ишлар аниқланмади деб расмий жавоб берган.

Прокуратуранинг кейинги қилган ишлари олдида бу иши ҳолва бўлиб қолди. Мен А.Фаттаховнинг иккита сохта корхонасига акаҳонлик қилган Т.Иминов ва унинг талон-тарож қилинган давлат пуллари тўғрисидаги мурожаат билан Президент Девонида прокуратура ишлари юзасидан қабул қилаётган Мурат Азимов қабулида бўлганимда у менга бундан кейин Т.Иминовдай обрўли одамнинг шаънига тўғри келмайдиган гаплар битилган шикоятлар билан ҳеч қачон ҳеч қаерга мурожаатлар қилмаслигимни, мабода мурожаат қилган такдиримда ҳам ҳеч қачон чора кўрилмаслигини айтди. Менинг биттагина “Нега?”-деб берган саволимга жаҳли чиқиб “ҳозирок чиқиб кетинг иккинчи сизни бу ерда кўрмай, бу ерга бошқа келманг” деб маҳсус хизмат одамани қақриб шундай олий даргоҳдан мени ҳайдаб чиқарди.

2012-йили Бош прокуратурада Бош прокурорнинг 10-бошқарма катта прокурори 1-даражали юристи Б.А.Каримов ҳузирида ҳам шу иш юзасидан қабулида бўлганимда бу иш кўриб чиқилганини ва мен бошқа ёзмаслигим кераклигини уқтирди. Шунда мен қўлимга Конституция китобини олиб менга шу китобдаги 30чи модда асосида жавоб беришларини илтимос қилдим. Б.А.Каримов эса қўлимдан Конституция китобини олиб биз

бу китоб асосида иш юритмаймиз деб Президент табаррук қилиб ўпиб боши узра кўтарган китобни улоқтириб юборди, ва яна фикрини тўлароқ намаён етиб прокуратура Т.Иминовга қарши жиноий иш оча олмаслигини баён қилди.

Қонунан эътироф этилиб, аслида ҳаракатда бўлмаган, хизмат бурчини бажармаган, аксинча қонунларни беписантларча чеккалаб ўтиб жуда катта миқдордаги банк пулларини ўзлаштирган одамларни “обрўли

одамлар” деб улуғлаб жиноий иш оча олмаган қонунбузарларга паноҳ бўлаётган прокурорларни ҳуқуқни муҳофиза қилувчилар деб бўлармикан?

А.Фаттаховниқига ўхшаган сохта корхоналар кўпайиб кетиб, уларда директор лавозимида ишлаётган одамларнинг баъзилари ўзлари қилаётган ишлар воситачилик ниқобидаги жиноят эканини билиб қолиб, бу тўғрида прокуратурага маълумот беришган.

Лекин маълумот берган одамларнинг ўзлари сохта айбловлар билан узоқ йилларга қамалиб кетишган. Бу тўғрида “Акбар-Азизий” корхонасида директор лавозимида ишлаб турган Ф.Негманов гапириб берганида мен ҳайрон қолган эдим. Орадан йиллар ўтиб бугунги кунда унинг қанчалар ҳақ бўлганига гувоҳ бўлиб турибман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб акаҳонлик илдиз отабошлади. Сўз эркинлиги ўрнини тобора ёлғон эркинлиги эгаллаб борди. Ҳақиқатга нисбатан ёлғон устуворлиги ўрнатилаборди. Президент девони совет давридаги марказқўм вазибаларининг барчасини ўзлаштириб олди. Марказқўм, сиёсий бюро бошчилигидаги совет давлатини емирган ёлғон президент девони тизилмаларида ўз ҳукмронлигини орттираборди. Ёлғон диктатураси ўрнатилди.

Лекин мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида камарбаста бўлиб хизматда турган мутахассислар ҳам борки, уларнинг борлиги учун бугун Ўзбекистон — Ўзбекистон бўлиб турибди. Анашу одамларнинг мамлакатдаги тартибсизликларга, қонунбузарликларга чек қўйиш йўлида амалий ҳаракатга тушишларига ишонаман.

НЕГМАНОВА Ч.С.



Courtesy Photo

Кундуз давлат, кечаси ўғри ўғирлайди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда куз-қиш мавсуми бошланиши биланоқ табиий газ ва электр таъминотида муаммолар пайдо бўлиши одатий ҳол бўлиб қолди.

Бу мавсумда Озодликка табиий

газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳақида хабарлар келиши ҳам урфга айланиб бўлди. Бу хабарларни ушбу ЖОНЛИ БЛОГ орқали сизга ҳавола қилиб борамиз.

«Озодлик»ка 10 йилдан буён

газсиз маҳаллада яшаётган тингловчидан мана бу мактуб келди:

«Маҳалламиз қишлоқ жойида жойлашган. 10 йилдирки табиий газ маҳалламизга келмайди. Туман аҳолисини газ билан таъминлаш идорасига бориб дардингизни айтсангиз «маҳаллага берилган лимит бор, ундан бошқа беролмаймиз» дейди. Аслида ўша лимит ҳам берилмайди. Бугунги кунда бутун Ўзбекистонда табиий газ муаммоси бор. Айниқса қишда аҳоли учун жуда қийин. Туманимизда тўртта транспортларга ёқилғи қуйиш шохобчиси бор. Улар табиий газни сиқиб сотишади. Уларга газ қаердан келади? Ҳайронман. Мактабда болалар устидаги кийимларини ечишмасдан ўтиришади. Агар мамлакатимиз табиий газни қазиб олмаганида тушунса бўлар эди. Лекин четга сотаяпмиз. Бу дегани ўзимиз оч бўла туриб, нонимизни сотиш эмасми?»

Хабар бўлими

Москвалик журналист Юлия Рейснер ўз шаҳридаги муслмон аёлларга бўлган муносабатни ўз мисолида синаб кўришга қарор қилиб, бир ҳафта ҳижоб ўраб яшаб кўрди. У кундалик ҳаётига бошқа ҳеч қандай ўзгартириш киритмади, ва ўзининг ҳижобли ва ҳижобсиз турмушини солиштириб кўришни мақсад қилди.

Рейснер хонимнинг айтишича, ҳамма инсонларда ўзига яраша муаммолар бор ва ўзимизни бошқа одамнинг ўрнига қўйиб кўрсаккина, бошқаларнинг муаммоларини тушуниб етишимиз мумкин.

Ибрат Сафо у билан боғланиб, аввало тажриба қандай ўтганини сўради.

Рейснер: Экспериментим муваффақиятли ўтди деб айта оламан. Мақсадим — шариатнинг барча қонунларига асосланган ҳолда ҳижобга кирсам, менга атрофдагилар қандай муносабатда бўлишини аниқлаш эди. Аниқлаганим шу бўлдики, аслида бу ҳеч қандай безовта қилгани йўқ, аксинча, менга баъзи тоифадаги одамлар аввалгидан яхшироқ муносабатда бўла бошлаганларини сездим. Кўп ҳолларда одамлар ҳеч қандай муносабат билдиришмади. Лекин, шарқона кўринишга эга бўлган эркаклар менга меҳр билан қарай бошлашди. Мен яшайдиган мавзедаги метро бекати ёнида қари муслмон амакининг дўкончаси



thevillage.ru

Ҳижоб ўраган рус қизига муносабат

бор, у пойафзалларимни таъмирлаб беради. Аввал ҳеч менга эътибор бермасди, бу сафар эса кўзлари меҳрга тўлиб жилмайди ва менга «қандай гўзал қиз» деди. Бошқаларни синаб кўриш учун мен ҳатто кафега кириб пиво сўрадим, официантка ҳеч нарса бўлмагандек менга пиво тортиқ қилди. Балки бу муносабат «мижоз ҳамма вақт тўғри» деган тушунчага асосланар, лекин уни менинг ҳижобим иккилантормади. Мен атайлаб пиво сўраганим йўқ, мақсадим аввалги ҳаётим қандай бўлган бўлса, шундайлигича давом эттириш эди, фақат бу сафар бошимда ҳижоб

билан...

Би-би-си: Сиз ёши каттароқ аёллар сизга ёвқарашда бўлгани ҳақида ёзгансиз...

Рейснер: Улар жуда ҳам мендан кўрқиб кетишди деб айта олмайман, лекин салбий қарашди. Аслида қария аёллар жуда кўп нарсага шундай ёндошадилар, бу ҳижоб бўлиши ҳам шарт эмас. Бу ёшдаги аёллар, масалан, қўлингизда кўп узук бўлса, ёки бурнингизда сирға бўлса, ёки ноанъанавий бир юбкани кийган бўлсангиз ҳам сизга ёвқараш қилишади...

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Би-би-си: Ўзингиз қандай муносабат бўлишини кутгандингиз?

Рейснер: Бу яхши савол. Мен агар эксперимент натижаларини олдиндан аниқ башорат қила олганимда, уни қилмаган бўлардим. Чунки одатда ҳамма сенсацияни истади, ҳеч ким «қаранг, бизда қандай тоқатли одамлар» деб ёзилган мақолани ўқигиси келмайди. Аслида менинг салбий муносабатлар ҳақидаги башоратларим нотўғри бўлиб чиқди. Ўзим ҳам жуда хайрон қолдим. Чунки ҳатто ўзим ҳам бировнинг кўринишига қараб улар ҳақида фикр юритишга ўрганган эканман. Бу стереотиплар менинг миямга шундай мустаҳкам ўрнашган эканки, мен одамлардан нафрат ва очикча тажовузни кутгандим. Кутган нарсаларим ушалмаганидан жуда ҳам мамнун бўлдим. Мен одамлар муносабатини Одан 10гача баҳоламоқчи эдим, яъни 0 — буткул бепарволик, 10 эса очик тажовуз. Натижада мен минусга тушиб кетдим. Чунки ҳеч ким менга ташланмади, метрода ҳеч ким мендан узоклашиб бошқа жойга бориб ўтирмади, аксинча, менга ижобий қарашлар ошди.

Би-би-си: Сиз оддий одамлар муносабатини баҳолабсиз, лекин агар, масалан, полиция ёки маҳаллий ҳукумат вакилларига ишингиз тушса, уларнинг муносабати қандай бўлган бўларди деб ўйлайсиз? Буни башорат қилиш мумкинми?

Рейснер: Бу каби вазиятга тушмаганим учун биронта хулоса

чиқариш мумкин деб ўйламайман. Асоссиз бир башорат бўлиб қолиши мумкин. Лекин, полицияга кўп дуч келдим, чунки Москва кўчаларида ва метрода полиция жуда кўп. Ҳар куни мен жуда кўп полициячилар ёнидан ўтиб кетардим. Менга улар қарашмади ҳам, қарашса ҳам, ҳеч қандай ижобий ё салбий реакцияни уйғотмадим.

Би-би-си: Сизга қаердан келди бу каби эксперимент ўтказиш ғояси?

Рейснер: Американинг Buzzfeed веб сайтыда бир нарсани ўқиб қолдим. Бу жуда оммабоп сайт ва улар, масалан, «Озгин қизларни ўйлантирадиган 21та муаммо» ёки «Ишсиз одамлар дуч келадиган 25та муаммо» каби қизиқ рўйхатларни чоп қилишади. Шу мақолалардан бири «Ҳижоб ўрайдиган қизлар дуч келадиган 16та муаммо» деб номланганди. Мени бу жуда қизиқтириб қолди, ҳам инсоний, ва ҳам маиший жиҳатдан. Унда овқат еганда ҳижобингизга ушоқ тушишидан тортиб бошқа одамларнинг ёвқарашлари каби муаммолар ҳақида ёзилганди. Шунда менда ғоя туғилди. Чунки мен учун Ислом ва ҳижоб буткул ёт тушунча эди. Ҳижоб ўрасам, менда ҳижобли ва ҳижобсиз ҳаётим ўртасида қиёслаш имконияти туғилишига ишончим комил эди. Шунинг учун унга қўл урдим. Мен журналист бўлганим учун шу экспериментни қилдим. Бунинг ўртидан амин бўлдимки, ҳамма инсонлар бир-бирларига ўхшаш, ҳаммамизда ўзимизга яраша муаммолар бор, ва ўзимизни бошқа одамнинг ўрнига қўйиб кўрсаккина, бошқа одамларнинг

муаммоларини тушуниб етишимиз мумкин.

Би-би-си: Москва ҳақида қандай хулосага келдингиз?

Рейснер: Мен Москва тоқатлироқ экан деган хулосага келдим. Мен ҳижобни нормал бўлмаган нарса демоқчи эмасман, лекин бизда аксар аҳоли православ насронийлар. Шунинг учун ёмон муносабатни кутгандим. Биласизми, кўп одамлар аввалдан мияга ўрнашиб қолган тушунчалар, яъни стереотипларга асосланиб фикр юритадилар ва воқеъликдан узилиб қоладилар. Мен ҳам шундай фикр юритиб, Москва тоқатсиз шаҳар деб ўйлаб юрган эканман, аслида бундай бўлмай чиқди.

Би-би-си: 4 ноябрда Москвада рус миллатчиларининг «Рус марши» бўлиб ўтади. Бу кунда кўп осиелик муҳожирлар уйдан чиқмай ўтиришга уринар эканлар. Сиз ўша куни ҳижоб ўраб чиққан бўлармидингиз? Ёки бу провокация бўларди деб ўйлайсизми?

Рейснер: Мен сизга шуни айтган бўлардим. Агар қандайдир гўёки олий бир ғоя билан жазавага тушган катта сондаги одамлар кўчага чиқса, мен улардан ўзимни йироқда тутган бўлардим. Булар бир диннинг иккинчиси, ёки бир ирқнинг иккинчиси, ёки бир футбол жамоасининг иккинчиси устидан устиворлигини намойиш қилиш учун чиқадилар. Уларга яқинлашмайман, чунки оломоннинг психологиясини аввалдан билиб бўлмайди, ягона бир одам ҳам оломон ичига тушганда энг паст инстинктларига эрк бериши мумкин.

bbc.co.uk/uzbek



Россия Федерал миграция хизмати Қрим ярим ороли ҳудудига кириб келаётган хорижий фуқаролар, шу жумладан Украинанинг шарқий вилоятларидан келаётган қочқорлар сони ошиши муносабати билан бу ердаги миграция вазияти мураккаблашаётганини қайд

этади, дея хабар беради “ТАСС”. Бу ерга Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Арманистон ва Молдовадан келаётган меҳнат муҳожирларининг сони кескин кўпаймоқда.

Ўзбек меҳнат муҳожирлари Қримни мўлжалламоқда

Шу билан бирга, Россия фуқаролигини олиш, яшаш учун гувоҳнома олиш, миграция рўйхатига туриш линияси бўйича фуқароларнинг мурожаатлари сони ҳам сезиларли даражада ортган.

Бу борада ўтказилган таҳлиллар Россия ФМХнинг Қрим Республикаси ва Севастополь

бўйича бошқармаси ходимлари сонининг етишмаслиги бу ердаги миграция бўйича давлат вазифаларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермаяпти.

Шу муносабат билан Россия

ФМХ раҳбари Константин Ромодановский томонидан ФМХнинг ҳудудий органларидаги штатлар бирлигини қисқартириш ҳисобидан Россия ФМХнинг Қрим Республикаси ва Севастополь бўйича бошқармаси ходимлари сонини 300 тага ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎХХ ахборот бўлими

«Исломий давлат» шиори остида майдонга чиққан радикалларнинг ислом динига тўғри келмаган ҳаракатлари, ўзларидан бошқа бутун дунё аҳлини кофир эълон қилиб, бегуноҳ инсонларни ваҳшиёна қатл этишлари ислом дини душманлари учун жуда қўл келди, уларга мусулмонларни овлаш учун янги баҳона бўлди.

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, 28 октябрь куни Россия Федерал хавфсизлик хизмати Ироқ ва Сурия ҳудудларида жиход қилаётган Исломий давлат жангари гуруҳига алоқадорликда айбланган ўнлаб одамни қўлга олди. Бу облавалар Москванинг ҳам Исломий давлат таҳдидидан борган сари хавотирга тушаётгани ифодаси сифатида кўрилмоқда.

Россия матбуоти хабарларига кўра, 28 октябрь куни қўлга олинганлар асосан кавказликлар ва улар орасида Исломий давлат билан ҳамкорлик қилишда гумонланаётган олти нафар озарий ҳам бор. Расмийлар иддаосича, бу олтовлон Москва марказида автомобилларга хизмат кўрсатиш салони хизматчиси никоби остида аслида жангари гуруҳга одам ёллаш билан шуғулланган.

Федерал хавфсизлик хизмати тарқатган баёнотда айтилишича, ушбу автосалондан тушган даромаднинг бир қисми Сурияга жўнатилиши баробарида ушланганлар Москвадаги озарий мигрантларини Суриядаги жиходга жўнатиш учун тарғибот олиб борган.

Бу қамоққа олишлар Россия жамоатчилиги орасида Исломий давлат гуруҳининг мамлакат ичкарасидаги таъсири ва бу экстремистик мафкурадан туғилаётган таҳдидни жиддий қабул қила бошлагани ифодаси сифати кўрилмоқда.

Москвадаги Марказий Осиё, Кавказ ва Волга-Урал тадқиқотлари маркази директори Семён Багдасаров 29 октябрь куни Россия раҳбариятини Исломий давлат таҳдидига қарши курашда вақтни бой берганликда айблади:



«Исломий давлат таҳликаси» — мусулмонларни қатоғон қилиш учун янги баҳона

- Москвада фақатгина Исломий давлатга хайрихоҳлар эмас, балки уларга пул жўнатиб, одам ёллашда айбланаётганларнинг қамоққа олингани факти бунақа мафкурадагилар фаолиятини тўхтатиш учун аллақачон конкрет чора-тадбирлар қўллаш замони ўтиб кетганини кўрсатди, деди Багдасаров жумладан.

Москвадаги қамоққа олишлардан сўнг Россия Бош прокуратураси 27 октябрь куни постсовет ҳудудида оммалашган ВКонтакте ижтимоий тармоғидаги Исломий давлат мафкурасини қўлловчи ўнлаб аккаунт ёпилганини эълон қилди ва бу ҳам Россия давлат тизимларининг Исломий давлат таҳдиди билан жиддий шуғулланишга ўтаётгани белгиси сифатида талқин этилмоқда.

Исломий давлатнинг Россия ички хавфсизлигига таҳдиди ҳақидаги баёнотлар янги бўлса-да, Шимолий Кавказ, қолаверса, Марказий Осиё республикаларидан Россияга ишлашга келганларнинг Сурияга жиходга кетганига оид хабарлар 2012 йилдан бери мавжуд.

Исломий гуруҳлар томонидан уюштирилгани иддао қилинадиган

террор хуружлари Россия ҳудудида тез-тез учраб турганига қарамай, кузатувчилар фикрича, Исломий давлатдан туғилаётган таҳдид манбаининг бу гал Шимолий Кавказ гуруҳларидан кўра кўпроқ марказий осийлик меҳнат муҳожирлари экани

айтилмоқда.

Таҳлилчиларга кўра, айнан Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби мусулмон ўлкаларидан Россияга иш излаб келаётган қашшоқлашган қатлам Исломий давлат сафига одам ёлловчилар нишонига айланган.

Бу таҳдид ўчоғини кичрайтириш мақсадида Багдасаров Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари фуқароларининг Россияга кириши учун виза режими жорий этишни таклиф қилди:

- Бу биринчи галда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва жанубий Кавказликларга тегишлидир. Бу тўрт давлат фуқаролари бугун Исломий давлат сафига туриб жиход қилмоқда. Уларнинг эртага уйига, сўнгра Россияга қайтиб, Сурия ва Ироқда ўрганган террор ҳаракатларини бизнинг ҳудудда амалга ошириш эҳтимоли жуда жиддийдир, деди россиялик таҳлилчи жумладан.

Ўтган ҳафта Россия фуқароси Сергей Горбуновнинг Исломий давлат террорчилари томонидан қатл этилганига оид хабарлар пайдо бўлди. Аини пайтда яна бир россиялик Константин Журавлёв ҳам Суриядаги жангарилар қўлида гаровда қолмоқда.

Жамоатчиликнинг Россияда ҳам аста-секин Исломий давлат гуруҳининг террор ҳаракатларидан ташвишга тушаётганига жавоб ўларок ҳуқуқ тизимлари бу таҳдидга қарши кураш бошланганини кўрсатишга уринмоқда.

Хабар бўлими





\$7000 эвазига қатл этилаётган ватан хонгуллари

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси 20 октябрь қабул қилган 290- сонли қарори билан мамлакатдаги ноёб ҳайвонларнинг чет элликлар тарафидан пул эвазига овланишига изн берилган.

Қарор чиққанидан етти кун ўтиб, 27 октябрь куни ноёб ҳайвонларни ким ва қанча пулга отиб ўлдиришига доир прејскурант ҳам эълон қилинди. Прејскурантда Ўзбекистон қизил китобига кирган ҳолдор йўлбарс, кўнғир айиқ ва Бухоро чўллариининг соҳибжамоли хонгул кийиклар ва кўзойнакли илонларни валюта эвазига овлаш нархлари белгиланган.

Бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларнинг чет эллик туристлар кўнгилхушлик қилиб отиб ташлашига изн берган Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг қарори ҳайвонларни химоя қилувчи фаолларнинг танқидига сабаб бўлди.

Қарор чиқишидан олдин Араб Амирликларидаги шайхларнинг Ўзбекистонга келиб, изнсиз лочин овлагани матбуотга сизиб мунозараларга сабаб бўлган эди.

Ўзбекистон табиатни химоя қилиш кўмитасидаги Озодлик манбаларининг айтишича, бу ҳужжат хўжақўрсинга қабул қилинган.

Аммо нега айнан бугун ноёб ҳайвонларни чет элликлар тарафидан валюта эвазига овланишига изни берувчи ҳужжат қабул қилингани борасидаги саволимизга жавоб топа олмадик.

Вазирлар маҳкамасининг қарорида нафақат ноёб ҳайвон, балик ва қушларни овлашга, балки увилдириклар, қуш тухумлари, бақачаноқ ва мўмиёларнинг териб

олинишга ҳам изн берилган.

Масалан, холдор йўлбарс ва қоплон ва илвирсни чет эллик овчи 20 минг доллар тўлаб, отиб ўлдириши мумкин.

Асалхўр тоғ кўнғир айиғи, хонгул кийиғи, Туркистон силовсини каби

қоғозбозлик ва расмийчиликларни биз амалга оширамиз, албатта бунинг учун биз алоҳида ҳақ оламиз,- дейди суҳбатдош.

Бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларнинг чет эллик сайёҳлар кўнгилхушлик қилиб отиб ташлашига изн берган Вазирлар маҳкамаси қарори ҳайвонларни химоя қилувчи фаолларнинг танқидига сабаб бўлди.

Тошкентлик 35 яшар Гавҳар Тўлаганова бўш вақтларида шаҳардаги қаровсиз ит-мушуклар ҳолидан хабар олиб туради ва ўзини ҳайвонот дунёсининг дўсти деб билади.

Суҳбатдош Вазирлар маҳкамасининг ноёб ҳайвонларни пул эвазига овланишига изн бергани ҳақидаги ўз фикрларини Озодликка ёзма жавоб тарзида йўллади:

“Элементар танқид йўқлиги учун ҳавасга ов қилиш жараёни тизгинсиз ва циник ҳолат касб қилди. Айни пайтда ўзбекистондаги туризм бизнеси ҳайвонларни ўлдириш каби анахронизмни парваришламоқда. Пул топиш илинжида туризм бизнеси одамлар ичидаги ҳайвонларни қатл қилиб завқ олиш каби примитив туйғудан фойдаланмоқда. Бизнесменлар қайси ҳайвон бўлишидан қатъий назар, қизил китобга кирган ҳайвонларни ҳам ўлдиришга бемалол шароит яратиб бермоқда. Пули келишилса бўлди. Такрорлайман бу ҳолат энг ичида, киши билмас тарзда давом этмоқда. Вазирлар маҳкамасининг қарори эса бу ҳолатга легитим тус берди холос. Афсус, Ўзбекистон бу борада кундан кунга европага эмас балки Африкадаги мамлакатлар қаторига тиркалмоқда,” дейлади тошкентлик ҳайвонсевар мактубида.

Қирғовул учун истисно

Ўзбекистон табиатни химоя қилиш кўмитасидаги Озодлик манбаларининг айтишича, бу ҳужжат ҳали пули бор бўлган чет элликка ҳайвонларни қирон қилиш ҳуқуқини бермайди:

- Сиз ҳужжатни синчиклаб ўқиб чиқинг, унда ҳамма ҳайвонларни пул эвазига ўлдирилсин, дейилмаган. Масалан, Зарафшон қирғовулини ўлдириш мумкин эмас. Миллион доллар тўласангиз ҳам. Яна бир ҳолатни эслатсам, Ўзбекистонда ов қиладиган чет эллик овчи Вазирлар

(Давоми кейинги саҳифада)

қизил китобга кирган ҳайвонларни овлаш ҳақи 7000 АҚШ доллари қилиб белгиланган.

27 октябрь куни эълон қилинган прејскурантга кўра, шохин, лочин ва товусларни 6 минг доллар, кўзойнакли илон, кул ранг эчкиэмарни ов қилиш учун 1000 доллар тўланиши керак.

Қизилқумдаги тошбақаларни, донасига икки доллардан тўлаб, ушлаб олишга ҳам Вазирлар маҳкамаси изн берган.

Товус овчилари учун махсус саёҳат

Тошкентдаги саёҳат агентликларидан бири чет эллик туристларга экотуризм пакетини таклиф қияпти.

Мазкур агентлик ходими, исми айтилмаслик шарти билан Озодликка чет элликларнинг Ўзбекистонда ов қилишига оид тафсилотларни гапириб берди:

- Одатда чет эллик сайёҳ ўз милтиғи билан келади, биз уларни патронлар билан таъминлаймиз. Шунингдек овқилишига изн берувчи ҳужжатларни расмийлаштириб берамиз. Сайёҳлар Жиззахнинг Зомин туманида, Бухорода ва Термиз атрофида ов қилишади.

Озодлик: Масалан, чет эллик сайёҳ Ўзбекистон қизил китобига кирган ҳайвонларни ёки Бухородаги лайлак ва товусларни овлаш истагини билдирса, бундай истак амалга ошиши мумкинми?

- «Клиент доимо прав» деган гап бор, биласиз. Биз иложи бор қадар мижозлар истагини бажо қилишга интиламиз. Лайлакларни донасига 200 доллар тўлаб ов қилишга 27 октябрдан бошлаб изн берилди. Товусни овлаш 6 минг доллар. Бу расмий тўлов. Лекин чўнтагида пули бор одам келиб, товус овлайверади дегани эмас бу. Кўп идоралардан изн олиш керак. Бу

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

маҳкамаси кўмиталари дохил бир неча вазириликдан қўшимча изн олиши керак. Бу осон эмас, - дейди суҳбатдош.



Суҳбатдан аён бўлишича, Ўзбекистондаги бюрократия боис чет эллик овчиларнинг ҳафсаласи пир бўлиб овдан воз кечиши эҳтимоли кўпроқ.

Цукерберг блок қилган овчи

Озодликка маълум бўлишича, Европа мамлакатларида ноёб ҳайвонларни катта пул эвазига ҳам овлаш мумкин эмас. Аммо Осиё ва Африка мамлакатларида ноёб ҳайвонларни овлаш учун лицензия тизими мавжуд. Масалан, Қозоғистон Табиатни ҳимоя қилиш кўмитаси Араб амирликларидаги шайхлардан текинга олинган жип машиналари эвазига уларга йўлбарс ови учун изн берган эди. АҚШнинг Техас университети талабаси 19 яшар Кендалл Джонс ҳам пул



тўлаб, Африка чангалзорларида йўлбарсларни отишни ўзига хобби қилган. Кендалл Джонс ўзи ўлдирган каркидон ва йўлбарслар тасвирини Facebook саҳифасига қўйиб боради.

Айни пайтда бу расмлар дунёдаги минглаб ҳайвонсеварларнинг ғазабини келтирди. Икки юз минг киши имзо тўплаб, Кендалл Джонснинг ҳайвонларни ўлдирган тарзда тушган расмларини блоклаб қўйишни Facebook асосчиси Марк Цукербергдан талаб қилишди.

Ҳайвонсеварлар талабини ҳақли, деб билган Цукерберг Кендалл Джонснинг ҳайвонларни ўлдириб тургани акс этган расмларини блок қилиб қўйди.

Хабар булими

Омонатга хиёнат — 3

(Давлат қарз облигацияларининг тақдири ва иқтисодиёт ҳақида)

Қарзни ўз вақтида тўлаш — иноятдир, Омонатга хиёнат — жиноятдир!

Сиёсий кураш ва сиёсий рақобатдан ўзини холи қилиб олган Ўзбекистон ҳукумати 1999 йилга келиб, суд ҳокимияти устидан ҳам назоратни ўз қўлига киритиб олди. Ижроия ҳокимиятига бўйсиндирилган қонунчилик ҳокимияти ва тўртинчи ҳокимият — расмий оммавий ахборот воситалари ҳукуматни танқид қилиш борасида ўз тилларини йўқотиб қўйдилар. Юқоридаги 4та ҳокимиятни ўз чегарасида ушлаб турувчи муҳим ва зарур институт бўлмиш Конституциявий суд бир четда қолиб кетди. Манфаатлари, ҳуқуқлари айнан юқоридаги 4та ҳокимият томонидан поймол қилинаётган аҳолига Конституциявий суднинг эшиклари бутунлай ёпиб қўйилди. Президент фармонларини ва раҳбарларнинг Конституцияга зид ишлари устидан Конституциявий судга мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган ташкилотларни фаолияти ижроия ҳокимияти томонидан тўлиқ назоратга олинди. Юқоридаги ҳолатлар ижроия ҳокимиятининг хатти ҳаракатлари мантиқ, ақл, фахм фаросат ва ўзбекона ахлоқ тарбия чегарасидан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Фикримизни далили сифатида Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган ва фаолият олиб борган пул эмиссияси Комиссиялари ишларини оқибатларини кўрсатамиз:

Юқорида зикр этилган комиссиялар фаолияти натижасида аҳолининг 1992 йилги давлат қарз облигациялари, банкларга қўйилган омонотлар, банкларда сақланаётган кексалиқда берилиши лозим бўлган ишчи ва хизматчиларнинг нафақа жамғармалари ва бошқа жамғармалар, олдин муомалага киритилган барча пуллар кескин қадрсизланди. Товарлар ва хизматларнинг чакана нархи мислсиз ошиб кетди. Пул эмиссияси орқали кўрилган нисбатан оз фойда инсоф ва адолатни йўқотган пулпараст ва ҳокимиятпараст шахсларга насиб этди.

Ассосиз пул эмиссиясидан кўрилган улкан ва бехисоб зарар (юқорида тилга олинган нисбатан оз фойдадан) миллион мартаба кўп зарар аҳолига, банкларга, халқ хўжалиги корхона ва ташкилотлари бўйнига тушди.

Шунингдек, аҳоли қўлидаги, банкларнинг корхона ва ташкилотларининг ўзбек сўмида бўлган айланма маблағларини

қадрини кескин тушиши тахликаси пайдо бўлди. Ҳукуматга яқин бўлган бир сиқим корхона ва ташкилотлар ўз айланма маблағларини сақлаб қолдилар. Асосан кўпчилик корхона ва ташкилотлар айланма маблағларини йўқотиб, хонавайрон бўлдилар.

Ўзбеклар "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам очилади" деб тарбия олганлар. Ўзлари ҳам, фарзандлари ҳам қинғир ишлардан узоқ бўлсалар, ҳаётлари осуда кечишини билганлар. Шунингдек, "Қайтар дунё" деб, ўз ёмон ишларини бир кун келиб, ўзларига қайтишини билиб, ўзгаларга ёмонлик қилмаганлар.

Ўзбекистон ижроия ҳокимияти 20 йилдан бери ўзбекона тарбия ва ахлоққа зид ҳаракатларни содир этмоқда. 1994 йил октябрь, ноябрь, декабрь ойларида қонунлаштирилган ўғрилиқ, босқинчилик, қароқчилик йўлига қўйилган қадамидан қайтмаяпти. Бўлган ишлар юзасидан халққа ҳисоб беришдан бош тортяпти. Утган 20 йил давомида аҳолимиз давлат қарз облигацияларининг қадрсизланиб, йўқотишдан ташқари ҳукуматнинг ассосиз пул эмиссияси сиёсати орқадан товарлар ва хизматларнинг чакана нархларини тўхтовсиз ва мислсиз ошишидан, ўзбек сўмини узлуксиз ва кескин қадрсизланишидан жабр, зулм кўриб яшамоқда. Аҳолига етказалган жабр, зулм учун кечирим сўраш лозимлигини раҳбарлар тушунмаяпти.

Бош Вазир Ш.Мирзиёев ва Президент И.Каримов юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, тобора кучайиб ва кўпайиб бораётган аҳолининг шикоят ва мурожаатларига умуман эътибор беришмаяпти. Оддий аҳоли билан юзлашиб, уларнинг муаммоларини хал қилишни Ш.Мирзиёев ҳам, И.Каримов ҳам хохламаяпти. Зийрак, сабр матонатли ўзбеклар ҳукуматнинг аҳоли ва умумдавлат манфаатларига зид, пулларни ассосиз равишда босиб чиқариш ва муомалага киритишдаги қинғир ишларининг қийиғи шу кунларда очилиб бўлганини сезиб турибди. И.Каримов режими аҳолига қилган ёмонликлари баробарида, режимнинг ўзига ёмонлик қайтаётганини билиб турибдилар. Ўзгаларга қилган ёмонликлари фарзандларидан қайтган ота оналар Худони эслаб қоладилар. Лекин улар бутунлай иймонсиз бўлсалар холлари не кечади.

(давоми бор)

Мустақил иқтисодчи:

Ж.ШоалимовҲуқуқ ҳимоячиси: **Ш.Рустамов**

25.10.2014 йил.

(Давоми: Боши олдинги сонда)



П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг Абу Толиб билан Бурсага саёҳати

Пайғамбаримиз алайҳиссалом 12 ёшида амакиси Абу Толиб билан Шомга, Бурсага борди. Бурсада Боҳира исмли роҳиб ва у мансуби бўлган монастир бор эди. Боҳира яҳудий бўлиб, христиан олимларидан эди. Исо алайҳиссаломнинг динида эди. Ривоятга кўра, Боҳира монастирдан туриб, бир тижорат карвоннинг монастирغا яқин бир жойда кўноқлаганини кўради. Уша пайтда бир булут карвондаги Пайғамбаримиз алайҳиссалом устига соя солиб келганига шохид бўлади. Бундан хайратланган Роҳиб Боҳира карвон аҳлини монастирغا зиёфатга чақиради. Аммо уларнинг ичида Пайғамбаримиз йўқлигини кўриб, «бу зиёфатга келмаган одам қолдимми?», деб сўрайди роҳиб. Ҳаммадан ёши кичик бўлгани учун карвонга қоровуллик қилиш учун қолдирганлари Мухаммад (алайҳиссалом)нинг қолганини айтишади. Роҳиб «уни ҳам чақиринглар», дейди ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам зиёфатга олиб келинади.

Роҳиб Боҳиранинг ташҳиси

Роҳиб Боҳира Пайғамбаримиз алайҳиссаломга юзланиб:

- Эй бола, Лот ва Узза (бутлар) ҳаққи, сенга баъзи саволлар берман, сен уларга жавоб бер, — деди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

- Лот ва Узза исми билан ямин этиб, мендан ҳеч нарса сўрама. Валлоҳи, мен булардан (бутлардан) нафрат этганим каби ҳеч нарсдан

нафрат қилмадим, — деди.

- Ундай бўлса Аллоҳ учун жавоб бер, — деди роҳиб.

- Сўра, — деди Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

Боҳира Пайғамбаримиздан қандай қилиб ухлашини, ишлари ва бошқа ҳоллари ҳақида турли саволлар сўради.

Пайғамбаримиз берган жавоблар Роҳибнинг эски китобларда ўқигани сифатларга тўғри келарди.

Роҳиб Боҳира энг сўнггида Пайғамбаримизнинг елкасига боқди. Икки кураги ўртасида пайғамбарлик хотамини кўриб, Пайғамбаримизнинг амакиси Абу Толибдан:

- Бу бола сенинг наслингданми?

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (19).

— деб сўради.

- Ўғлим, — деди Абу Толиб.

- Ўғлинг эмас, бу боланинг отаси ҳаётда бўлиши мумкин эмас, — деди Роҳиб.

- У менинг укамнинг ўғлидир, — деди Абу Толиб.

- Отасига нима бўлди?, — деди Роҳиб.

- Онаси бу болага ҳомилдорлигида отаси ўлган эди, — деди Абу Толиб.

- Тўғри сўйладинг. Энди жиянингни дарҳол мамлакатингга қайтар. Яҳудийлар унга зарар беришлари мумкин. Валлоҳи, улар бу болада менинг кўрганимни кўрсалар, уни дарҳол ўлдиражаклар. Биз унинг китобларимиздан ва оталаримиздан сўнгги пайғамбар бўлиб келишини билардик. Бу хусусда биздан аҳд ва мисоқ олинди, — деди Роҳиб Боҳира.

Абу Толиб роҳибнинг тавсиясига кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссаломни олиб, дарҳол Маккага қайтди. (Ибн Исҳоқ, «Китобул Мубтадо», 2/55).

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг исми ва сифатларининг аҳли китобга таниш бўлгани ҳақида

Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг исми ва сифатлари Мусо алайҳиссаломга индирилган «Таврот» ва Исо алайҳиссаломга индирилган «Инжил»да ёзилган бўлиб, аҳли китоб саналган яҳудий ва христиан олимлари бу хусусда мукамал билгига соҳиб эдилар.

Яҳудий олимларидан бўлиб, кейин мусулмон бўлган Абдуллоҳ бин Салом «мен Расулуллоҳ алайҳиссаломни ўз ўғлимни

танигандан яхшироқ танийман», деганда, Ҳазрати Умар: «Эй Салом ўғли, бу қандай танишдир?» деб сўрагани.

Абдуллоҳ бин Салом:

- Унинг Аллоҳ тарафидан юборилган пайғамбар эканлиги, унинг васфлари китобларда ёзилгандир, — деди.

П а й ғ а м б а р и м и з а л а й ҳ и с с а л о м н и н г ё м о н л и к л а р д а н м у х о ф а з а этилиши

Аллоҳ Таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломни Абу Толибнинг ёнида яшатиб, жоҳилия даврининг қабохатидан асради. Сувотийнинг Абу Нуям ва Ибн Асоҳирдан нақл

этишига кўра, ҳазрати Али шундай деган: «Мухаммадалайҳиссаломдан бир кун «Сен бирор марта бутга сиғиндингми?», деб сўрадилар. Мухаммад алайҳиссалом эса «йўқ, мен ҳали Китоб ва иймоннинг нима эканлигини билмаган ҳолда, Қуръайшликларнинг куфрда эканликларини билишдан узоқ эмасдим» деди».

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг энагаси Умму Айман шундай деганди: «Қуръайш мушриклари таъзим учун Бувона бутининг ёнида тўпланиб, у ерда сочини олдирав ва қурбон сўярдилар. Абу Толиб бу байрамда Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳам қатнашишини истади. Аммо Расулуллоҳ боришни хоҳламади.

Бунга Абу Толибнинг ва Расулуллоҳ холаларининг жаҳли чикқанини кўрдим, холалари «илоҳларимиздан юз буриб, бир балога йўлиқингдан кўрқаяпмиз» дейишди. Уларнинг тазйиқи билан Расулуллоҳ байрамда қатнашди. Аммо у ерда бир муддат ғойиб бўлди. Кейин ранги оқарган ҳолда пайдо бўлди. Холалари ундан:

- Сенга нима бўлди? — деб сўрашди.

- Мени жин чалишидан кўрқаяпман, — деди Расулуллоҳ.

- Сени Аллоҳ шайтон билан мубтало қилмас. Сенда яхши фазилатлар бор, — деди холалари.

- Мен бутга яқинлашганимда оқ, узун бўйли бир одам пайдо бўлди ва «Эй, Мухаммад, орқангга қайт, бутга асло кўлингни теккизма», деб бақирди, — деди Расулуллоҳ.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шундан кейин унга пайғамбарлик келгунга қадар бутлар байрамига бормади.

Ибн Исҳоқ (85-151ҳижрий) нинг айтишича: «Расулulloҳ йигитлигида мардлик ва инсонийликда қавмининг энг устуни, ахлоқ бобида энг гўзали, насл-насабада энг шарафлиси, кўшни ҳақларига риоя қилган, ақл ва юмшоқликда энг кўзга кўрингани, тўғрилиқ ва тўғри сўзликда энг улуғи, аминлик ва сўзига вафода энг катгаси, ёмон хислатлардан энг узоқ тургани эди. Аллоҳу Таоло бутун яхши хислатларни унда мужассамлаштирганди. Шу боисдан уни қавми орасида Ал-Амин деб аташар эди».

Пайғамбаримизнинг тижоратдаги фаолияти

Қуръайшликлар тижоратчи эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўн олти ёшида тоғаси Зубайр бин Абдулмутталиб билан тижорат қарвони ила Яманга борди.

Йўлда Пайғамбаримизнинг ажойиб ҳоллари намоён бўлди.

Қарвон йўлини кесиб чиққан бир қутурган туяни тутиб, ювош ҳолга келтирди, ҳатто устига миниб, четга чиқарди ва қарвондан

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (19).

узоклаштирди.

Шунингдек, сел сувидан тўлиб тошган бир водийдан қарвонни мўъжизавий шаклда саломат олиб чиқди.

Бу воқеаларга шохид бўлганлар Пайғамбаримиз ҳақида «бу йигитнинг шони буюк бўлади», дея бошладилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Қуръайшнинг бой аёли бўлган Ҳазрати Ҳадича учун икки марта тижорат сафарига чиқиб, икки марта бир эркак туя билан мукофатланди. Учинчи даъфа Пайғамбаримиз Ҳазрати Ҳадича учун Хубашага кетди ва катта фойда билан қайтди.

Пайғамбаримизнинг амакиси Абу Толиб бир куни Пайғамбаримизга «анча қийналиб қолдик, балки Ҳадичадан ишларига ва тижоратига сени вакил қилишни сўрасак, аҳволимиз тузалармиди», қабилида бир маслаҳат қилди. Пайғамбаримиз қаршилик қилмади.

Ҳазрати Ҳадича Абу Толиб ва Пайғамбаримиз ўртасида бўлган суҳбатни эшитиб «унинг (Пайғамбаримизнинг) бу ишни

истаяжагини билмас эдим», деди ва Пайғамбаримизга хабар солиб, таклифини дарҳол қабул этди.

Ҳазрати Ҳадича Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ниҳоятда тўғрисўз ва ҳалол эканини билар ва унга хайрат-ла боқарди.

У Пайғамбаримизнинг Шомга кетаётган тижорат қарвонига бошчилик қилишини истади.

Пайғамбаримиз Ҳазрати Ҳадичанинг ёнига келди. Ҳазрати Ҳадича унга: «Сени Шом қарвонига бошчилик қилишинг учун чақирдим. Сенинг тўғрисўз, ишончли ва гўзал феълли инсон эканлигингни биламан. Сенга қавминдан ҳеч кимга тўламаганим энг юксак маош тўлайман», деди.

Пайғамбаримиз бу таклифни қабул этди.

Роҳиб Ностура

Тижорат қарвони Шом тупроқларидаги Бусрага етиб келди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир монастыр ёнидаги бир дарахт остида туясида тушди. Айтишларига кўра, дарахт кекса зайтун дарахти эди.

Монастирдаги роҳибнинг исми Ностур (ёки Ностура) эди. У Пайғамбаримизнинг ёрдамчиси Майсарани танир эди. роҳиб монастырдан бошини чиқариб «Эй,

Майсара, ўша оғоч соясида туясини чўктирган зот ким?», деб сўради.

- Бу Қуръайшлардан, Ҳарам халқидан бир зот, — деди Майсара.

- Бугунгача бу дарахт остида Пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким кўноқламаган, — деди роҳиб. (Ибн Саъд, 1/130).

Кейин яна:

- Унинг кўзларида бир оз қирмизи ранг борми?, — деб сўради Майсарадан.

- Ҳа, доим бор, — деб жавоб берди Майсара.

- Демак, ўша. У пайғамбарларнинг сўнггисидир. Кошки, мен унинг пайғамбарлик замонига етишсам!», — деди Ностура.

Айтишларига кўра, Ҳазрати Абу Бакр ҳам бу тижорат сафарига бўлиб, роҳибнинг сўзларини эшитган ва жуда таъсирланган экан.

Қозонч

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Маккадан олиб келган молларини сотиб, олиниши керак бўлган молларни сотиб олганида, жуда катта қозонч (фойда)га эришганини

кўрдилар.

- Эй, Муҳаммад, Ҳадича учун қирк йил тижорат қилсак ҳам бу сафарги каби қозончга соҳиб бўлолмасдик, — деди ўшанда Майсара.

Бурсадан Маккага қайтиш

Тижорат қарвони Бурсадан чиқиб, Маккага йўл олди.

Ҳазрати Ҳадичанинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ёрдамчи сифатида юборгани Майсара роҳиб Ностурдан пайғамбаримиз ҳақида эшитганларидан хайратга тушиб, унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузата бошлаганди. У пешин келиб, кун исиган бир чоғда икки малакнинг Пайғамбаримиз устига соя солиб, уни жазирама иссиқдан кўриб келаётганини кўрди.

Тижорат қарвони Марруз Захронга етганида, Майсара Пайғамбаримизга юзланиб, «Эй, Муҳаммад, сен мендан аввал Ҳадичага етиш, Оллоҳу Таолонинг унга нималар келтирганидан хабар бергин, у ҳам сени тушунсин», деди.

Пайғамбаримиз Маккага кирганида ўша икки малак ҳам уни куёш нуридан ҳимоя қилиб, устида турди.

Кўшқига чиққан Ҳазрати Ҳадича ўзининг ёнидаги Нафиса бинти Мунай ва баъзи хотинларга бу малакларни кўрсатди. Ҳаммаси хайратга тушдилар. Пайғамбаримиз Ҳазрати Ҳадичанинг кўноғига келиб, тижорат сафаридан қўлга киритилган фойда миқдорини баён этганида бунга ҳамма севинди.

Ҳазрати Ҳадичанинг Варақа бин Навфал билан суҳбати

Ҳазрати Ҳадича ўз хизматкори бўлган Майсаранинг Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳақидаги кузатишларини, Роҳибнинг гапларини, икки малакнинг Пайғамбаримизни иссиқдан кўриганини амакисининг ўғли Варақа бин Навфалга айтиб берди.

Варақа бин Навфал христиан эди, самовий китобларни кўп ўқирди. У Ҳадичага: Эй Ҳадича, агар бу деганларинг тўғри бўлса, ҳеч шубҳасиз, Муҳаммад бу умматнинг пайғамбари бўлажак! Зотан, келажак пайғамбарининг бу умматдан чиқажагини мен биламан. Унинг келиши керак бўлган замон ҳам айнан бу замондир», деди.

(Давоми келгуси сонда)

...Ислом Каримовдан адолат истоган халқ Бобур майдонига тўпланаётган бир пайтда, Махмуд Худайбердиев каллакесарлари яқин-атрофда куйиккан шоғолдай санғиб, тўс-тўполон кўзғотишга тайёргарлик кўраётганига бир ҳафтага яқин вақт кечганди.

“Ҳаммасини отиб ташланглар”

Ҳукуматга қарши бош кўтариш ҳаёлларига ҳам келмаган одамларнинг орасида, шунчаки қўл учида фитна кўзғотиш осон иш эмасди. Осмонда айланаётган тикучарларни кўрган халқ, президентни бироздан кейин майдонга кириб келади, унга арзу дод айтаман, деб ўйларди. Бу пайтда, президент қандай қилиб айбисиз андижонликларни муттаҳам қилсам, бўларкан, шу йўл билан Ўзбекистон халқи кўзида ёна бошлаган оловни бир неча йилга ўчирардим, дея Оксаройда боши қотиб ўтирарди.

Нияти ҳар доимгидай ёмон бўлса ҳам, ҳали унинг қўлида аниқ бир режаси йўқ эди. У ҳар галгидай, вазият пайдо қилиши мумкин имкониятлардан келиб чиқиб муаммонинг ечимини излаётган эди. Воқеа-ҳодисаларни бошида туриб кузатаётган Ички ишлар вазири Зокиржон Алиматов амалиётга масъул этиб тайинланган, куч ишлатиш салоҳиятига эга бутун тизимлар, сўзсиз унга бўйсундирилган эди. Бугунги кунда, Ўзбекистонда энг қудратли шахс деб кўриладиган МХХ бошлиғи Рустам Иноятов ҳам, ўшанда унинг қош-қовоғига қараб иш тутарди. У кўпдан орзу қилиб келаётгани каби Зокиржон Алиматовни Ўзбекистон сиёсий ҳаётидан узиб, унинг ўрнига ўзининг бош жаллод вазифасига кўтарилишига кўп фурсат қолганини ҳали билмасди. Ўзбекларнинг бошига қора кунларни солган ўша дамлар, МХХ бошлиғининг бошига бахт қушини кўндирганди. Бугун номини кўпчилик нафрат билан эслайдиган Зокиржон, ўшанда президентнинг суянган тоғи эди. Унинг қуртлаган тиш каби қутилмаганда ликиллаб қолиши ҳам мумкинлигини бирор ким ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Ҳамма унга яқинлашишни, жилла курса, қўл бериб саломлашишни орзуларди. У билан қўл бериб кўришишга мушарраф бўлганларнинг кўпчиликлари, бир неча кун қўлини ювмасдан юрар, хотинига тегиб кетса охори тўкилади, деб икки қўлини кўрпасидан чиқариб, юқорига кўтариб ётарди.

У билан кўришганда юраги тўхтаб қолгандай бўлиб, оёқлари қалтираб кетганларини хотинига айтиб, мактанадиганлар бор эди.

Бечора ва бахтиқаро хотинлар ўзларининг кўйниларини ўзлари пуч ёнғоққа тўлдириб, эрларининг ёлғондакам даҳоликларидан очилиб-

сочилиб, “дунёда, мендан бахтли аёл йўқ” деб, гердайиб юраверардилар. Эрлари билан қовушганларида ҳам ҳаёлларида, Зокиржон бўларди, азбаройи завққа тўлиб чинқириб юборганларида ҳам, кўзларидан унинг сурати ўчмасди. Бугун-чи?

У мансаб пиллапоясидан қўққисдан қулаб тушгандан кейин, худди ўша одамлар: “Аслида у ифлос эди. Эшакдан от бўлмас, қозоқдан дўст”, деб, унинг устидан мағзава тўкиб юрипдилар. У оқ отда пайтида, бирор марта қозоқлигини эсламаган кимсалар, унинг насл-насаби пастлигини айтиб, уни орқаворатдан камситадиган бўлганлар. Аслида, ўзлари ундан ҳам пасткаш бу кимсаларнинг ҳеч бир миллатни, жиноятчиларга хизмат қилишдан бошқасига ярамайдиган қандайдир бир якка шахснинг агрофида муҳоқома қилишга ҳақи йўқлигини билмасликлари, уларнинг жаҳолат ичиди нафас олаётганларини ифодалайди.

Инсоннинг қайси миллатга мансублигини эмас, кимнинг-кимлиги муҳимлигини, улар шу янглиғ бутун бир ҳаётлари мобайнида англамасдан ўтиб кетадилар. Бу ҳолатнинг Зокиржоннинг қисматидан кўра ачинарли ва тафтсиз эканлигини, улар фахмлаганларида эдилар, ўзларининг ҳам ундан беш баттар тубан бир кимса эканликларини ҳам англаган бўлардилар.

Хуллас, Бобур майдонида президентдан адолат истаб йиғилган халқнинг қўлига Махмуд Худайбердиевнинг андижонликларга ўхшаб кийиниб олган каллакесарлари автомат ушлата олмагач, Каримовнинг боши қотиб қолди. У амалиётга масъул Зокиржоннинг пичоқнинг сопини ўзидан чиқараётганига суюниб, масала тезда ниҳоясига етишига ишониб ўтирар, унинг халқни қопқонга туширганига юз фоиз ишончи қомил эди. Бўлавермагач, ўшанда Андижон турмасининг эшиклари очилиб, у ерда ётган ақрамчилар, атай турмадан қочиради. Улар ҳам катагини бузган товуклар сингари турмадан

уриб чиқиб, майдондаги халққа келиб қўшиладилар. Зокиржоннинг иғволарига учмаётган халқ, ўша дамларда ҳам президент Каримовдан нажот кутаётган эди.

Улар болалари, эрлари ва оталарининг турмадан майдонга етиб келганини кўргач, мамлакат президентининг адолатига буткул суяниб, хурсандчиликларидан ўзларини йўқотиб қўядилар. Рухиятларидаги хушёрлик ўрнини, миннатдорлик ҳислари эгаллай бошлади. Қўлларига қурол олишга ундаётганларнинг умуман президентга алоқаси йўқлигига ишончлари қомил бўлиб, тез орада президентнинг халқ олдида чиқиб, масалани тинчлик йўли билан ниҳоясига етказишидан умидвор бўладилар. Гумроҳлар билмасдилар-ки, барчасининг бошида унинг ўзи турар, бутун жиноятларни у ўзи содир этиб, қилмишларини халқнинг елкасига юклашга чоғланарди. Шунда, майдонга Зокиржон Алиматовнинг махсус тўдалари кириб келади.

Уларни ҳалигача, ҳеч ким, ҳатто МХХ бошлиғи Рустам Иноятов ҳам кўрмаган эди. Президентни ҳар сафар фавқулода устамонлиги билан мавҳ этиб ўрганиб қолган Зокиржон Алиматов, бу гал ҳам уни қутилмаган сюрпризи билан лол қолдиришни режалаштирган эди. Унга шундан бошқасининг бир тийинлик аҳамияти йўқ эди. Каримов бутун бир халқни, у президентни ўз таъсири остида ушлаб турса, қолган ишларни бой билан графнинг ўзи эпларди.

Бунақа формадаги махсус гуруҳни кўрмаган Махмуд Худайбердиев, шунда президентга Алиматовни айланиб ўтиб, Бобир майдонида, ташқи кучларнинг номаълум, аммо тиши-тирноғичча қуролланган катта бир гуруҳи пайдо бўлиб қолгани хабарини етказди.

Каримов у билан гаплашаётган ўша сонияларда, линияда турган Ички ишлар вазири Зокиржон Алиматов ҳам заҳирадаги махсус кучларни пистирмадан чиқариб, жанговор ҳолатга келтирганини сўйлаётган эди.

Вазиятнинг қулига айланган президентни, шунда қаттиқ ваҳима босади. У қўлар ҳокимият тизгини чиқиб кетаётганини ўйларкан, ўзини унутиб, бутун танасида ваража туради.

Каримов бир йўла икки гумаштасига: “Ҳаммасини отиб ташланглар”, деганини ўзи ҳам билмай қолди...

Эргаш Сулаймон

Россияда ўтказилаётган “Мигрант-2014” амалиёти оқибатида қувғинга учраган ўзбек муҳожирилари яна дунё бўйлаб дарбадарлик йўлига тушиш учун шайланмоқдалар.

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистондаги

ўзбек муҳожирилари катта қатлами Украинага кетаётганига оид маълумотлар ҳам бор.

Россиядаги ишни ташлаб Ўзбекистонга қайтаётган муҳожирилари озлигини кўради.



Россияда сичқоннинг ини 2 минг тангага чиқди!

диний-сиёсий таъкиб боис Россияда жон сақлаб юрган баъзи муҳожирилари «Мигрант-2014» оператив-профилактика амалиётидан кейин Туркияга кетишмоқда. Айрим маълумотларга кўра, улар Туркиядан Сурияга ўтиб, у ердаги «Ислоний давлат» жангариларига қўшилмоқда. Россиядаги сиқувлардан чарчаган

«Озодлик»ка маълум бўлишича, Москва шаҳар полиция бошқармаси “тозалаш” ишларига 450-та оператив-қидирув гуруҳ тузгани, унинг таркибида 4,5 минг полиция ходими жалб қилинди. “Мигрант-2014” амалиёти давомида полиция, ОМОН ва ФМС 1,5 минг турли объектлар – бозор, саноат зоналари, автосервис,

меҳмонхона, квартираларни кўздан кечиришни режалаштиргани маълум.

Москва полицияси ноқонуний муҳожирилари яшайдиган жойлар, “резина квартиралар”, подвал ва ертўларда яшаётган муҳожирилари тўғрисида хабар бериб боришга маҳаллий аҳолини жалб қилмоқда.

Хабар бўлими

У вақтлар олийгоҳнинг учинчи курсида ўқир эдим. Баъзан стипендияга озгина қолганда озиқ-овқат ва йўлқирада ҳам узилиш бўлиб қоларди. Булажак шифокорлар ўқиб, малакасини оширадиган турли шифохоналар шаҳарнинг тўрт томонига сочилган. Жуда эрта уйғониб ётоқхона ва шифохона ўртасидаги каттагина масофани пиёда босишга тўғри келарди. Уша куни ҳам азонда йўлга тушдим.

Фира-шира ёруғлик. Кўчада деярли ҳеч ким йўқ. Шошиб қаёққадир кетаётган машиналар ҳам санокли. Бунақа вақтда калима қайтариб, ёмонга йўлиқтирма дея пичирлаганча кетаверардим. Талаба зотидаку ўмарийга арзигулик буюмни ўзи йўқ. (Унда хозиргидай телефон, кўл компютери деган нарсалар бўлмасди) Аммо қиз боламанди. Олис қишлоқдан кузатиб қолган дадамнинг насиҳатлари қўлоғим остида жаранглаб туради. “ Шаънимни кўз қорачиғидай асрайман” деб сўз берган қиз ҳар қандай бегона одамдан кўрқади.

Кундузи одам зоти билан гавжум кўчаларни онам тенги аёл чиқиндилардан, тўкилган барглardan тозалаб супуради. Ҳар доимгидек унга “Ассалому алайкум, хорманг хола!” дедиму йўлимда давом этдим. Ҳеч қанча юрмадим. Кимдир чақираётгандай туюлди. Қарасам фаррош аёл, мен томон югуриб келяпти. Халлослаб келгач кўлидаги қоғозга ўралган алланимани узатди.

- Қизим манавини тушириб кетдингизку.

Хайрон бўлдим. Мен ҳеч нарсани туширганим йўқ. Огир сумкамда халат, китоб ва дафтарлардан бошқа ҳеч вақо йўқ. Қоғоз ўрамни беихтиёр очдим. Вой бир даста пулку! Шошиб фаррош холага узатдим.

-Холажон буни қаердан топдингиз?

-Сиз ўтиб кетгач шу йўлақдан.



ОДИЛ ҲУҚМ

Сизникими?

-Йўқ, меники эмас. Ўзингизда турсин эгаси хали –замон қидириб қолар. Чунки бунда анчагина маблағ борга ўхшайди.

-Қизим, мен санаб кўришга ҳам кўрқаман. Хозир пул йўқотган одам келиб, “кўпроқ эди, қолгани қани?” деса нима қиламан. Энг ёмони, у келгунча бирортаси қўлимдан олиб қўйсачи?

Шошаётган эдим. Бугун шахсан профессор Азимовнинг маърузалари бор. Кеч қолганни аяб ўтирмайди. Аммо аёлни шу ҳолатда ташлаб кетгим келмади. У узун йўлакни супуриб бўлгунга қадар ўтган-кетгани ниманидир қидирмаяптими

дея диққат билан кузатиб турдим. Тонг анча ёришиб, одамлар оқими кўпайдики пул эгаси кўринмади. Ишларини битириб олдимга келган фаррошга омонатни топширдим.

-Холажон, энди мен бормасам бўлмайди. Дарсга кеч қолдим. Буни уйингизга олиб кетинг. Эртага ҳам ишга чиқасиз кимдир сўроқлаб келар. Келмаса, уч марта “кимники?” деб сўрайсизда, бирор камингизга ишлатинг.

Жилмайиб турган аёлнинг чеҳраси тундлашди. Кўлида илон ушлаб тургандай қоғоз ўрамни қайтариб ўзимга узатди.

-Эй йўқ! Мен буни уйга олиб кетмайман. Кўча супураётганимга, жудаям муҳтож деб ўйласангиз адашяпсиз қизим. Худога шукур, қора қозоним қайнаб турибди. Рўзғорнинг фориини тулдиришга қийналсам ҳам бировники керак эмас. Раҳматли эрим ҳам жуда халол одам бўлган. Ойлага бир тийинлик харом аралаштирмадими. “Бировники буюрмайди!” дердилар.

Анчагина юпун қийинган жимитдаккина аёлнинг тоғдай ғурури борлиги ҳақида ўйламаганимдан уялиб кетдим. Шундай бўлсада яна қўсталанг қилдим.

-Исломда ҳам эгаси номаълум буюмни уч марта сўроқлагач, топган одамга халол бўлади...

-Болам, деди у, гапимни чўрт кесиб,- шундай бўлсада керак эмас! Мана сиз ҳам талабасиз. Бу йўлақдан нега ҳар куни пиёда кетишингизни билмайди деб ўйлайсизми? Узингиз нега олмаяпсиз? “Раҳмат, пул меники”деб олиб кетсангиз билиб утирармидим. Агар бу бизга ўхшаган одамники бўлса қақшаб қолади. Балки ўғил-қизининг тўйига, бирорта камини қиламан деб йўлга чиққанда тушириб қўйгандир. Ёки сизга ўхшаган талабага ота-онаси

(Давоми кейинги саҳифада)

